

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХУСУСИЙ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА” 2005-ЙИЛ 2-АВГУСТДАГИ 180-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвеститсиялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019-йил 28-январдаги ПҚ-4135-сон [қарори](#) ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвеститсияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2005-йил 2-августдаги 180-сон [қарорига](#) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон Республикаси Инвеститсиялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ҳамда инвесторлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилсин.
3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвеститсиялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвеститсиялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,

2020-йил 30-апрел,

264-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 30-апрелдаги 264-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвеститсияларни жалб этишни
рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
Фармони аналга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2005-йил 2-
августдаги 180-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. [1](#) ва [2-бандлар](#) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“1. Қуйидагилар:

“Инвеститсиялар ва инвеститсия фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунининг 19-моддасида белгиланган кафолатларни қўллаш
ҳақида хабар бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида
инвеститсия шартномаларини тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, чет эллик инвесторга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати
томонидан қонун ҳужжатларида белгиланганга қўшимча кафолатлар ва
қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган
тақдирда Ўзбекистон Республикаси Инвеститсиялар ва ташқи савдо
вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик
инвестор ўртасида инвеститсия шартномаси тузилади ва шартнома
кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси
томонидан тасдиқланади”.

3. 1-илованинг [матни](#) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**“Инвеститсиялар ва инвеститсия фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунининг 19-моддасида белгиланган кафолатларни
қўллаш ҳақида хабар бериш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1. Ушбу Низом “Инвеститсиялар ва инвеститсия фаолияти тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида инвесторларга ёки

уларнинг инвестицияларига берилган кафолатларни қўллаш ҳақида хабар бериш тартибини белгилайди.

2. Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестиция киритиш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, чет эллик инвестор тегишли ваколатли органни кафолат қўлланиши тўғрисида хабардор қилади.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган давлат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда хизмат кўрсатувчи банклар инвестор томонидан кафолат қўлланиши тўғрисида хабардор қилинадиган ваколатли органлар ҳисобланади.

3. Кафолатларни қўллаш ҳақидаги хабарнома ёзма шаклда:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари чет эллик инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромадлари (фойдаси)ни репатриатсия қилиш тартиб-таомилини мураккаблаштирадиган ёки унинг миқдорини камайтирадиган қўшимча талаблар жорий этилган тақдирда — хизмат кўрсатувчи банкка;

инвестицияларни амалга ошириш ҳажмларига сон жиҳатдан чекловлар ва инвестициялар миқдори бўйича бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда чет эл инвестицияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш, республика корхоналарининг устав фондларида чет эллик инвесторларнинг улушли қатнашиши бўйича чекловлар шаклидаги талаблар, шунингдек, чет эл инвестицияларини амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилган тақдирда — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган тегишли давлат ташкилотларига;

чет эллик инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва муддатини узайтиришнинг қўшимча тартиб-таомиллари жорий этилган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ва (ёки) Ички ишлар вазирлигига;

чет эллик инвесторга қонун ҳужжатларида белгиланганга қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари берадиган инвестиция шартномаси мавжуд бўлган тақдирда инвестиция шартномасида кўрсатилган инвестиция киритиш шартлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига юборилади (берилади).

Хабарнома инвестор томонидан инвестиция киритиш шартларини ёмонлаштирадиган қонун ҳужжати қабул қилингандан кейин исталган вақтда юборилиши мумкин. Хабарномада чет эллик инвестор инвестиция киритиш

шартлари ёмонлашди деб ҳисоблайдиган ҳолатлар ва кафолат амал қилиши муддати мобайнида ўзи қўллаш ниятида бўлган инвеститсия киритиш санасида амал қилган қонун ҳужжати кўрсатилади.

4. Чет эллик инвесторнинг хабарномаси чет эллик инвесторга нисбатан ваколатли орган томонидан инвеститсия киритган санасида амал қилган қонун ҳужжати қўлланиши учун асос ҳисобланади. Хабарнома, ваколатли органга юборилиши санасидан қатъи назар, инвеститсия киритиш шартларини ёмонлаштирадиган қонун ҳужжати кучга кирган пайдан бошлаб амал қилади.

Ваколатли орган чет эллик инвесторнинг хабарномасига розилик билдирмаган тақдирда, “Инвеститсиялар ва инвеститсия фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддаси чет эллик инвесторга қўлланишининг қонунийлиги тўғрисидаги юридик хулоса учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мурожаат олинган пайдан бошлаб икки ҳафта муддатда тегишли ваколатли органга асосланган хулоса юборади.

Ваколатли орган чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг ноқонунийлиги тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Чет эллик инвесторга кафолат қўлланиши ноқонунийлиги тўғрисида Адлия вазирлигининг юридик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, ваколатли орган давлат божи тўламасдан тегишли даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

6. Ваколатли органнинг чет эллик инвестор хабарномасига розилик билдирмаслиги, юридик хулоса учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг ноқонунийлиги тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши чет эллик инвесторга нисбатан кафолат қўлланишини тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди.
7. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари қабул қилиниши, уларга қўшимчалар киритилиши ёхуд уларнинг бекор қилинишига татбиқ этилмайди”.
8. 2-илованинг [матни](#) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвеститсия шартномаларини тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1. Ушбу Низом “Инвеститсиялар ва инвеститсия фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференсиялар) беришда улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан инвеститсия шартномалари тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

Чет эллик инвесторлар билан уларнинг қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференсиялар) бериш билан боғлиқ бўлмаган инвеститсия мажбуриятларини мустақамлашга йўналтирилган шартномаларни тузиш ва амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвеститсияси улуши бўлган инвеститсия лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвеститсия шартномаларини тузиш ҳуқуқига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвеститсия шартномасини тузиш ва амалга ошириш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.
3. Чет эллик инвесторларга кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференсиялар):

барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётининг илғор технологик ўзгаришини таъминловчи устувор тармоқларга;

республиканинг экспорт салоҳиятини мустақамлаш ва кенгайтиришни, республикани жаҳон хўжалик алоқаларига интегратсиялашни таъминловчи устувор лойиҳаларга инвеститсия киритишда ҳар бир аниқ ҳолатда берилади.

Бунда солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қўшимча имтиёзлар чет эллик инвесторлар томонидан ташкил этилган чет эллик инвеститсиялар иштирокидаги корхоналарга фақат аниқ белгиланган

муддатга берилади ва муддатсиз бўлиши мумкин эмас.

4. Ўзаро келишувга асосан қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериладиган инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инвестор билан инвестиция шартномаси тузилади.
5. Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида ёзма шаклда тузилади.
6. Инвестиция шартномаси чет эллик инвесторнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг амалга ошириладиган лойиҳаларга нисбатан ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди ва ўзаро шартномавий мажбуриятларни ўрнатади.
7. Кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолатларини беришни, лойиҳаларни амалга оширишга давлат томонидан қўмаклашишни, жумладан, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қўмаклашишни, инвестиция дастурига киритишни ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олиши мумкин.
8. Инвестиция шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

инвестициялар объекти ва ҳажми, лойиҳанинг бошланиши ва тугалланиши муддатлари;

инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари;

коррупсияга ва монополияга қарши қўшимча шартлар;

чет эллик инвесторнинг, шу жумладан, инвестиция киритиш ҳажми, маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, маҳсулот сифати, товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат техника хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

халқаро стандартларга, шунингдек, энергия самарадорлиги ва экология нормалари бўйича замон талабларига мос келадиган замонавий ускуналар ва технологияларни етказиб бериш юзасидан чет эллик инвесторнинг мажбуриятлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, шу жумладан, қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвеститсия лойиҳасининг амалга оширилишини техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

томонларнинг инвеститсия шартномаси шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги, шу жумладан, чет эллик инвесторга давлат органлари мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, инвеститсия шартномасига мувофиқ чет эллик инвестор ўз мажбуриятларига риоя қилмаганда ёки лозим даражада риоя қилмаганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ўз мажбуриятларини бажаришни бир томонлама тартибда рад этиш ҳуқуқи;

инвеститсия шартномасига ўзгартишлар киритиш тартиби;

инвеститсия шартномасини бекор қилиш тартиби;

инвеститсия шартномаси тарафлари ўртасидаги инвеститсия шартномаси қоидалари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби, низоларни кўриб чиқиш жойи ва органи. Бунда Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат суди, Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат ҳудудида ташкил этилган халқаро тижорат арбитражи низоларни кўриб чиқувчи орган сифатида белгиланиши мумкин.

Инвеститсия шартномасида инвеститсия лойиҳасининг ўзига хос хусусиятларига қараб бошқа шартлар, шу жумладан, қуйидаги шартлар ҳам бўлиши мумкин:

ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича томонларнинг ўзаро мажбуриятлари;

чет эл инвесторининг шартнома шартларини бажариш натижасида ишлаб чиқарган, ўзига тегишли бўлган маҳсулотни ва олинган фойдани (даромадларни) Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ҳуқуқи;

чет эл инвесторининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан ходимларни ёллаш ва ўқитишга доир мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек, инвеститсия лойиҳасини амалга ошириш тугалланганидан сўнг ташкил этилган ташкилот ходимларини ўқитиш бўйича мажбуриятлари.

Инвеститсия шартномасида чет эл инвесторига уни бозорда устун мавқега қўядиган мутлақ қоидалар ва ҳуқуқлар берилиши тақиқланади.

9. Инвеститсия шартномасини тузиш бўйича таклиф билан ташаббус кўрсатиш чет эллик инвестор томонидан мустақил равишда ёки давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёхуд хўжалик юритувчи субектлар (кейинги ўринларда — лойиҳа ташаббускорлари) билан биргаликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Инвеститсия шартномасини тузиш учун чет эллик инвестор мустақил равишда ёки лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда Инвеститсиялар ва ташқи савдо вазирлигига (кейинги ўринларда — Вазирлик) ёки Ўзбекистон Республикаси Инвеститсиялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвеститсияларни жалб этиш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) қуйидагиларни тақдим этади:

инвеститсия шартномасини тузишнинг мақсади, инвеститсия фаолияти объектига инвеститсия киритиш ҳамда инвеститсия лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан мавжуд тажрибаси (мавжуд бўлган тақдирда) тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ариза;

ушбу Низомга 2-иловада келтирилган намунавий шаклига мувофиқ Инвеститсия шартномаси лойиҳаси;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органларда экспертизадан ўтказилган техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоблаш) асосида бажарилган лойиҳа бизнес-режаси.

Вазирлик ёки Агентлик тегишли давлат органларининг хулосаларини, хусусан, инвеститсия шартномаси лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан — Адлия вазирлигининг хулосасини, инвеститсия лойиҳасини молиявий-иқтисодий баҳолаш юзасидан — Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хулосаларини, чет эллик инвесторларга ва (ёки) ташкил этиладиган хорижий инвеститсиялар иштирокидаги корхонага қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча равишда кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш юзасидан — Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси хулосаларини олади.

10. Чет эллик инвестор томонидан тақдим этилган инвеститсия шартномаси лойиҳаси ва бошқа материаллар инвеститсия шартномаси лойиҳаси олинган кундан бошлаб ўн беш кун мобайнида ваколатли органлар

томонидан кўриб чиқилади.

Агар инвестиция шартномаси қайта ишлаш учун қайтарилса, шунингдек, ушбу Низомнинг 9-банди олтинчи хатбошисида кўрсатилган давлат органларининг эътирозлари мавжуд бўлган тақдирда, кўриб чиқиш муддати қайта ишлаб чиқилган инвестиция шартномасининг лойиҳаси олинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Инвестиция шартномаси лойиҳаси ва бошқа материалларни кўриб чиқиш учун қўшимча ўрганиш ва текшириш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш талаб этилган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахси томонидан узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда чет эллик инвесторга ёзма равишда хабар қилинади.

11. Зарурат бўлганда инвестиция шартномаси қоидаларини келишиб олиш мақсадида Вазирлик ёки Агентлик ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида музокаралар ўтказилади.
12. Вазирлик инвестиция шартномаси лойиҳасини барча ваколатли органлар билан келишгандан сўнг уни Вазирлар Маҳкамасига киритади. Вазирлар Маҳкамаси инвестиция шартномаси лойиҳасини кўриб чиқади ва уни белгиланган тартибда маъқуллайди ёки эътирозлар бўлган тақдирда қайта ишлаш учун қайтарилади. Инвестиция шартномаси маъқулланган тақдирда Вазирлик томонидан имзоланади.
13. Инвестиция шартномасини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарори лойиҳаси Вазирлик томонидан тайёрланади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган тартибда Ҳукуматга киритилади.

Агар инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши (техник-иқтисодий ҳисоби) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши керак бўлса, инвестиция шартномасини тасдиқлаш тўғрисидаги тегишли банд инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши (техник-иқтисодий ҳисоби)ни тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори лойиҳасига киритилиши мумкин.

Агар инвестиция шартномасида солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференциялари бериш назарда тутилса, бундай шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

14. Чет эллик инвестор билан инвестиция шартномаси уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кучга киради, ушбу қарорда бошқача қоидалар назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

15. Чет эллик инвестор инвестиция шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда Вазирликка қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади. Вазирлик инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг чет эллик инвестор томонидан бажарилиши мониторингини олиб боради.
16. Инвестиция шартномасига ўзаро келишуга кўра ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин, улар ёзма шаклда расмийлаштирилади ва инвестиция шартномасида белгиланган тартибда кучга киради.

Инвестиция шартномасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ушбу Низомда белгиланган инвестиция шартномасини тузиш тартибига асосан амалга оширилади.

17. Инвестиция шартномасини бекор қилиш инвестиция шартномасида назарда тутилган тартибда, шу жумладан, қуйидаги асослардан бири бўйича амалга оширилади:

инвестиция шартномасида кўрсатилган амал қилиш муддатининг тугаши ёки чет эллик инвестор томонидан инвестиция шартномаси бўйича ўз мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилиши;

томонларнинг ўзаро келишувига кўра;

чет эллик инвестор томонидан инвестиция шартномаси бўйича олинган мажбуриятларнинг бузилиши ёки бажарилмаслиги ҳолларида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ташаббуси билан.

Қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чораларининг (имтиёзлар ва преференциялар) амал қилиш муддати инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати тугаши билан тўхтатилади ёки инвестиция шартномасида назарда тутилган тартибда бундай муддат тугашидан аввал тўхтатилиши мумкин.

18. Ушбу Низомнинг амал қилиши у кучга киргандан кейин амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга

1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномасини тузиш ва амалга ошириш

СХЕМАСИ

* Ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

** Инвеститсия шартномаси уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида
инвеститсия шартномаларини тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги низомга

2-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ

билан

_____ **компанияси** (чет эл инвестори)

ўртасида

“ _____ ”

инвеститсия лойиҳасини амалга ошириш бўйича

НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАСИ

20__ йил _____

ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАСИ

Ушбу Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ 20____
_____да Тошкент шаҳрида қуйидагилар ўртасида тузилди:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни
жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармойиши
ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2005-йил 2-августдаги 180-сон қарорига мувофиқ
фойдаланиш юритувчи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, кейинчи
“Ҳукумат” деб юритилади ва

_____ қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган, _____
манзили бўйича жойлашган, _____ директор номидан, _____ а
фаолият юритувчи, _____ инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи,
_____, кейинчалик “Инвестор” деб юритилади,

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қулай иқтисодий шароитларни яратиш,
фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини, манфаатларини ва мол-мулкни ҳимоя қилиш,
солиқ солинадиган базани ошириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида, ж
қўшимча иш жойларини яратиш, замонавий ва инноватсион технологияларни жорий қ
мақсадида,

модомики, Инвесторда Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган мо
имкониятлар, техник ва малакавий кўникмалар мавжуд экан,

қуйидаги мазмундаги ушбу Инвестиция шартномасини имзолади:

1-модда.

Атама ва уларга таърифлар

1.1. Агар Шартномада бошқача кўрсатилмаган бўлса, қуйидаги кўрсатилган таърифлар мазмунга эга:

Шартнома — ушбу Инвеститсия шартномаси ва унинг шартларига мувофиқ унга кириш қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек, унга барча иловалар;

Инвеститсиялар — Инвестор томонидан Инвеститсия лойиҳасига киритиладиган ёки қилинадиган моддий ва номоддий бойликларнинг барча турлари ва уларга бўлган ҳуқуқ жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвеститсиялар;

Инвеститсия фаолияти — инвеститсияларни киритиш бўйича Инвесторнинг ҳаракатлари (*инвеститсия амалга ошириладиган аниқ объект кўрсатилсин*);

Инвеститсия лойиҳаси — (*инвеститсия лойиҳасининг номи*);

Инвестор — (*инвесторнинг тўлиқ номи*);

Томон — мазмунга қараб Ҳукумат ёки Инвестор;

Томонлар — биргаликда номланувчи Ҳукумат ва Инвестор;

Қўлланиладиган қонунчилик — Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, шунингдек барча ўзгартиришлари ва қўшимчалари (*Шартнома томонларининг икки томонлама раъй билан бошқа қонунчилик ҳуқуқи танланиши мумкин*).

Давлат органи — барча ҳокимият органлари, жумладан, қонунчилик, ижрочилик ва суд органлари, сайлов органлари, жойлардаги давлат бошқаруви органлари ва давлат ҳокимият органи, давлат ваколатларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тузилган давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари

...

(ҳар бир атама Шартнома томонлари ўртасида келишилади).

1.2. Ушбу шартнома тегишли ўзгаришлари билан бирга келишик ва сон жиҳатидан маъноли равишда қараб талқин қилиниши керак. Моддалар, бўлимлар ва бандларнинг сарлавҳалари қўл келтирилган ва Шартноманинг қайсидир бир қондаси талқин қилинишига таъсир кўрсатмайди.

2-модда.

Шартнома предмети ва инвестиция лойиҳасининг умумий тавсифи

2.1. Ушбу Шартнома Инвесторнинг инвестициялар киритиш ва Инвестиция лойиҳасини амалга оширишга нисбатан ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва жавобгарлигини белгилайди, шунингдек Шартномада Ҳукуматнинг бундай инвестициялар ва инвестиция лойиҳасини амалга оширишга нисбатан қўл келтирилган ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва жавобгарлигини белгилайди ҳамда ушбу шартномада белгилаб кўрилган тутилган ўзаро келишув мажбуриятларини ўрнатади.

2.2. Инвестиция фаолиятининг объекти _____ ҳисобланади ушбу Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ тузиладиган инвестиция фаолиятининг объекти кўрсатилсин (масалан, кўчмас мулкнинг янгидан яратиладиган объекти— капиталнинг қўрилиши...).

2.3. Инвестицияларнинг ҳажми қуйидагиларни ташкил қилади: _____ (сумма рақамлар билан (сўз билан))

Жумладан, инвестицияларни амалга ошириш манбалари:

Инвесторнинг шахсий маблағлари _____ сумма рақамлар билан (сўз билан);

бошқа ташкилотларнинг қарз маблағлари _____ сумма рақамлар билан (сўз билан);

банкларнинг кредитлари (қарзлари) _____ сумма рақамлар билан (сўз билан), жумладан:

банкларининг _____ сумма рақамлар билан (сўз билан);

бошқа манбалар _____ (тури кўрсатилсин) сумма рақамлар билан (сўз билан).

2.4. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муддати қуйидагича (ушбу Шартнома қўрилган санадан бошлаб): _____

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бошланиши: _____;

Инвестиция лойиҳасининг муддати: _____;

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш босқичлари (ишларнинг турлари, инвестицияларнинг муддатлари ва кўзланаётган ҳажмлари кўрсатилган ҳолда): _____;

Инвестицияларни амалга ошириш муддатлари ва шартлари: _____.

3-модда.

Инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Инвестор қуйидагиларга мажбур:

ушбу Шартномада белгиланган ҳажмларда ва муддатларда инвеститсия лойиҳаси тўлиқ вақтидаги амалга оширилишини таъминлаш (*зарурат туғилганида, инвеститсия лойиҳаси бизнес-режасига ёки ушбу Шартномага иловага мувофиқ белгиланган муддатларда*),

_____ ўзлаштирилиши;

_____ таъминланиши;

... (*ўзаро келишилган қоидалар бўйича*).

Инвеститсия лойиҳасини амалга ошириш учун _____ сумма рақамлар билан (сўз билан) миқдорда инвеститсияларни жалб қилиш, жумладан:

шахсий маблағлар _____ сумма рақамлар билан (сўз билан) ёки инвеститсияларнинг умумий қийматининг _____ фоизи;

жалб қилинган маблағлар _____ сумма рақамлар билан (сўз билан) ёки инвеститсияларнинг лойиҳаси умумий қийматининг _____ фоизи.

объектнинг қиймати ошган ҳолларда инвеститсия лойиҳасини ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда амалга ошириш учун қўшимча инвеститсиялар билан таъминлаш;

инвеститсия лойиҳасини амалга ошириш давомида _____ нафар янги иш ўринлари ва _____ дан (одамлар сони кўрсатилсин) кам бўлмаган миқдорда _____ дан кейин (масалан, фойдаланишга киритиш, Шартноманинг кучга кириши) _____ ой давомида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан ишчиларни иш билан таъминлаш;

ҳалқаро стандартларга, шунингдек, энергия самарадорлиги ва экологик меъёрлар бўйича замонавий талабларга мос келадиган замонавий ускуналар ва технологиялардан фойдаланиш таъминлаш;

маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари, маҳаллийлаштириш, маҳсулот сифати, товарлар ва хизматларни экспорт қилиш бўйича мажбуриятларни таъминлаш;

почта манзили ёки тўлов реквизитлари ўзгарганда, қайта ташкил қилинганда ва (ёки) манзил эгаси ўзгарганда, ёки юридик шахс сифатида ўз фаолиятини тўхтатиб турганда ёки тўхтатиб бундай ўзгаришлар вақтидан бошлаб 10 календар кун мобайнида давлат органини ёзма хабардор қилиш;

ҳар чоракда, ҳисобот йилидан кейинги ойининг 10-кунигача давлат органига инвеститсия лойиҳаси амалга оширилиши ва Инвестор томонидан мазкур шартнома шартлари бажарилиши тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш;

инсофсиз рақобат юзага келишига олиб келувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек рақобатга йўл қўймаслик, бартараф қилиш ёки чеклашга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини чеклашга қаратилган ҳаракатларни (ҳаракатларни) амалга оширмаслик;

рўйхатга олинган жойдаги солиқ органларига ушбу Шартнома ёки унга тегишли бўлган қўшимча битим тузиш кунидан бошлаб бир ой муддатда ушбу Шартнома, унга тегишли бўлган қўшимча битимлар нусхаларини тақдим этиш;

инвеститсия лойиҳалари амалга оширилиши устидан техник назорат олиб бориш тартибини лойиҳани амалга ошириш графиклари тўғрисида маълумот тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш, атроф муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат ҳақидаги қонунлар ва хавфсизлик техникаси соҳасидаги қонунчиликка риоя қилиш;

4-модда.

Ҳукуматнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Ҳукумат қуйидагиларга мажбур:

қўлланиладиган қонунчиликка, шунингдек, икки томонлама солиқ солиш, инвестиция рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларга ҳамда ушбу Шартномага мувофиқ Инвесторга имтиёз преференсияларни тақдим этиш;

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда давлат органи ваколатига кирувчи масала Инвесторга маслаҳат ва методик ёрдам кўрсатиш;

ушбу Шартномага ва қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ Инвестор ҳуқуқларининг барқарорлигини ва инвестициялар ҳимоясини таъминлаш;

агар Инвесторнинг хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва Шартнома шартларига зид келмаса, унинг фаолиятига аралашмаслик;

Инвесторнинг инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича ёзма таклифларини кўриб чиқиш;

Инвесторни ушбу Шартнома ва қўлланиладиган қонунчилик томонидан тақдим этилган ҳуқуқлардан фойдаланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида барча мулкни экспорт қилиш, мусодара қилиш, йўқотиш, бузиш, ноҳақ эгаллаб олиш ёки бошқа ҳар қандай шарт томонидан аралашидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан таъминлаш.

4.2. Ҳукумат:

Инвестор томонидан унинг мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бир томон кечишга;

Инвестор томонидан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, у Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва ушбу Шартномага мувофиқ олган имтиёзлар ва (ёки) преференсиялар суммасини ундириб олиш ва ушбу Шартномага мувофиқ мажбуриятлар бажарилиши мониторинги олиб борилишини таъминлаш. Инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши назорат қилиниши ва улар ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини талаб қилишга;

Инвестордан:

инвестиция лойиҳасини ташкил этиш ва молиялаштириш таъминланмаслиги ёки ўз вақтида таъминланмаслиги ҳолатларида ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган мажбуриятлар суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ бажарилмаган мажбуриятлар суммасининг 5% миқдоридан ошмаган миқдорда пеня;

Инвестор томонидан ушбу Шартноманинг ___-моддаси ___-бандининг ___-кичик банди (муддатларни бузиш билан боғлиқ кичик бандлар кўрсатилади) назарда тутилган мажбуриятларни бажариб бўлмаган ҳолатида қонунчилик томонидан тўлаш кунида ўрнатилган МҲТЕКМнинг миқдоридаги жарима;

Инвесторнинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида мажбуриятларни бажариб бўлмаган ҳолатида лозим даражада бажармаслик, жумладан, ушбу Шартнома ўзгаришига ёки бекор қилинишига сабаб бўлган ҳолатда қонунчилик томонидан тўлаш кунида белгиланган МҲТЕКМнинг миқдоридаги жарима ундиришга;

Инвестор ушбу шартнома ___-моддасининг ___-бандида ва ___-моддасининг ___-банди (Шартноманинг амал қилиш муддатига тааллуқли) кўрсатилганидек ушбу Шартномани амалга ошириш қилиш муддатлари, инвестиция лойиҳасини (унинг босқичларини) амалга ошириш якуни бўйича давлат органига тегишли аризани берган тақдирда, ушбу Шартномага ўзгартириш

5-модда.

Инвестор ва Ҳукуматнинг жавобгарлиги

5.1. Инвестор ва Ҳукумат қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ ўз мажбуриятлари б
жавобгар ҳисобланади.

5.2. Инвестор Ўзбекистон Республикасига қуйидагиларни тасдиқлайди ва кафолотлайди
ушбу Шартномани имзолаш ва унинг шартларини бажаришда ўзининг таъсис ҳужжатл
Инвесторнинг ўзи бир томон ҳисобланган бошқа битимларнинг қоидаларини бузмасли
Инвестор ёки унинг мол-мулкига нисбатан мажбуриятлар юкланмаганлигини;

Инвесторга нисбатан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига салби
кўрсатиши мумкин бўлган суд низолари, арбитраж ёки маъмурий ишлар мавжуд эмасли

5.3. Инвестор ва Ҳукумат коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун
ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмишларни содир этишдан ўзини тий

5.4. Инвестор ва Ҳукумат ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёк
даражада бажарилмаганлиги тўғрисида тўғрисида тўғрисида тўғрисида тўғрисида тўғрисида
қонунчиликка мувофиқ қоплаш мажбуриятини олади. Давлат органи мансабдор шахсл
ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Инвесторга етказилган зарарни
қарори бўйича амалга оширилади.

5.5. Ушбу Шартномага мувофиқ Инвеститсия лойиҳасини тайёрлаш ва молиялаштириш
таъминламаслик ёки ўз вақтида таъминламаслик ҳолатида Ҳукумат Инвесторни ёзма
ушбу Шартнома ёки қўлланиладиган қонунчилик шартларидаги ва (ёки) олинган мажб
бажаришдаги мавжуд бузилишлар тўғрисида хабардор қилади. Зарурат бўлганида ик
уч ой давомида ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган
масалаларни ҳал қилиш бўйича музокаралар ўтказиши мумкин.

5.6. Агар мажбуриятлар бажарилмаётганлиги тўғрисида ёзма хабарнома юборилган ку
бошлаб уч ой мобайнида Ҳукумат ва Инвестор музокаралар ўтказмаса ёки Инвестор ўз
мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш бўйича зарур
кўрмаса, Ҳукумат ушбу Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли. Бу ҳолатда
томонидан Инвесторга ушбу Шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма хабарнома юбо
санадан бошлаб ушбу Шартнома бекор қилинади.

5.7. Ушбу Шартнома _____-моддасининг _____-бандига мувофиқ ушбу Шартнома Ҳукума
биноан бекор қилинганида:

қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ Ҳукумат Инвестордан Инвеститсия лойиҳасин
ошириш доирасида ва бошқа норматив ҳужжатларга асосан тақдим этилган махсус им
преференцияларнинг суммасини ундириб олишга ҳақли;

Ҳукумат Инвесторнинг инвеститсия фаолияти даврида тижорат хавфлари ҳисобланган
инвеститсиялари, зарарлари, йўқотилган фойдаси ва бошқа харажатларини қоплаш бў
мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди.

5.8. Инвесторга ер участкалари ажратилганда ва тақдим этилганда ва Инвеститсия ло
белгиланган муддатларда ер участкаларини ўзлаштириш таъминланмаганда Ҳукумат
қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ фойдаланилмаган ер участкаларини қайтариб
ҳақли.

5.9. Иш ўринлари умумий сонининг ___фоизидан кам бўлмаган миқдорда маҳаллий иш
меҳнатидан фойдаланиш мажбуриятлари бажарилмаганда Инвестор Ҳукуматга ҳар ой
Шартноманинг _____- бандига белгиланган меъёрдан ортиқ қабул қилинган ҳар бир хори
учун ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида жарима тўлайди.

6-модда.

Ҳукумат томонидан Инвесторга тақдим этиладиган қўшимча ваколатлар

6.1. Ушбу Шартномани амалга ошириш доирасида инвестиция киритишнинг ҳар бир аҳолатида Ҳукумат Инвесторга қўшимча кафолатларни ва ҳимоя чораларини тақдим эт (имтиёзлар ва преференцияларни) (масалан, қонунчиликнинг **қарқарорлигини**, муҳандислик коммуникация инфратузилмасини тақдим қилиш, солиқ ва божхона имтиёзлари ва ҳимоя чораларини).

6.2. Ўзаро келишув бўйича Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Ҳукумат Инвесторни _____ йилнинг “ _____ ” _____ кунигача.... (солиқ ва божхона тўловлари назорат тугатилмоқда) тўлашдан озод қилиши мумкин. (Бунда, товарлар сотиб олинган (импорт) эътиборан уч йил мобайнида реализация қилинган ёки бегараз берилганда, имтиёзлар қилиши қўлланиладиган қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетга тегишли солиқ ва божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади).

6.3. Ҳукумат Инвесторга қуйидаги кафолатларни, шу жумладан, улар билан чекланмаган шартнома этади:

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда Инвесторнинг барча ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва инвесторни ўз инвестицияларига нисбатан ўзининг инвесторларига ёки шунга ўхшаш инвесторларга фаолият юритадиган ва шунга ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган бошқа чөл экинчи инвесторларига нисбатан тақдим этаётган режимдан кам бўлмаган қулай режим билан таъминлашни;

Инвесторнинг қўлланиладиган қонунчилик ва ушбу Шартнома билан кафолатланган барча ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашни;

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш туфайли Ўзбекистон Республикасида жойлашган Инвесторни, унинг вакиллари ва хорижий ишчиларни Ўзбекистон Республикасининг бўлиб бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи билан таъминлашни. Муайян чекловлар фақат миллатчилик ва хавфсизликни таъминлаш учун қўлланилиши мумкин, агар эркин ҳаракатланиш учун бундай чекловлар қўлланиладиган қонунчиликда белгиланган бўлса;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар қўлланиладиган қонунчиликда белгиланган таъминлаш шартлари билан пул маблағларини Ўзбекистон Республикасига ва ундан ташқари қандай чекловларсиз чет эл валютасида эркин ўтказиш кафолатини.

Бундай ўтказмалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун дастлабки ва қўшимча суммалар ёки ушбу капиталнинг оширилиши, инвестицияларни амалга оширишдан олинган даромад;

қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ инвестицион зарарларнинг харажатларини қопловчи сифатида олинган маблағлар;

шартномаларни бажариш тартибида амалга оширилган тўловлар;

Инвестор инвестицияларининг барчаси ёки бир қисми сотилишидан тушган даромад; инзоларни тартибга солишда юзага келадиган тўловлар, жумладан, ҳар қандай суд қарорлари қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ бошқа манбалардан тушган маблағлар;

ҳалқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ Ҳукумат амалдаги қўлланиладиган қонунчиликда белгиланган ҳолларда қўлланиладиган қонунчиликни камситмаслик шarti билан Инвесторнинг маблағларининг репатриациясини тўхтатиши мумкин.

6.4. Ҳукумат очиқ маълумотларга, хусусан, қонунчилик ҳужжатларига ҳамда идоравий ҳужжатларга, шунингдек, қандайдир тарзда Инвесторнинг манфаатларига тааллуқли қарорларига эркин киришни таъминлайди.

6.5. Ҳукумат давлат органи орқали Инвесторнинг сўровларига мувофиқ қўлланиладиган

7-модда.

Ҳисоботлар

7.1. Ҳукумат исталган вақтда Инвестор томонидан ушбу Шартнома бўйича қабул қилинган ва аниқ мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш, шу жумладан, техник назорат ва текширувлар ўтказиш ҳуқуқига эга. Шу мақсадда Инвестор Ҳукумат томонидан талаб оқилона муддат ичида ва Томонлар билан келишилган форматда бундай текшириш учун бўлган маълумотларни тақдим этиши керак.

7.2. Инвестор ушбу Шартнома бўйича Инвестор томонидан қабул қилинган мажбуриятлар чоракда ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати давомида ва Ҳукуматнинг мурожаат сўралган барча талабларни бажариш учун Томонлар учун мақбул форматда ҳисоботлар Ҳукуматга тақдим этиш мажбуриятини олади.

8-модда.

Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома Ҳукумат ва Инвестор ўртасида имзоланганидан кейин қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ тасдиқланиши керак ва уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилгандан бошлаб кучга киради ("Кучга кириш санаси") ва кучга кирган кундан бошлаб мобайнида амал қилади.

8.2. Ушбу Шартноманинг барча қоидалари Томонлар учун кучга кирган санадан бошлаб ҳисобланади.

9-модда.

Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

9.1. Ҳукумат ва Инвесторнинг ўзаро розилиги бўйича ушбу Шартномага ўзгартириш ва киритилиши мумкин. Ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ва вакиллар томонидан имзоланиши керак. Бунда имзоланган ўзгартиш ва қўшимчалар ушбу Шартноманинг ____-моддасида белгиланган тартибда кучга киради.

9.2. Ушбу Шартноманинг амал қилиши:

ушбу шартномада кўрсатилган амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки ушбу Шартнома мувофиқ Инвестор олган мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда бажарилган ҳолларда;
Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича;
ушбу Шартнома бўйича Ҳукумат ёки Инвестор қабул қилинган мажбуриятларни бузган тақдирда, ушбу Шартноманинг ____-моддасига мувофиқ Ҳукумат ёки Инвестор ташаббуси билан тўхтатилади.

10-модда.

Форс-мажор

- 10.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгарликдан озод қилинадилар, агар у олдини олиб бўлмайдиган куч, яъни форс-мажор вазиятлар ва ушбу шароитларда муқаррар бўлган ҳолатлар оқибатида юзага келган бундай объектив омиллар (ҳарбий ҳаракатлар, эпидемиялар, иш ташлашлар, шартномага мувофиқ рақибларнинг Тошонларга юклатилган мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилувчи суд жараёни ва қарорлар, мажбуриятларнинг бажарилишига бевоқиф таъсир қилган бўлса, ушбу ҳолатларнинг амал қилиш муддати бундай ҳолатларнинг оқибатида қилинадилар (зилзилалар, сув тошқинлари ва ҳоказолар), агар ушбу ҳолатлар ушбу Шартномага бажарилишига бевоқиф таъсир қилган бўлса, ушбу ҳолатларнинг амал қилиш муддати бундай ҳолатларнинг оқибатида қилинадилар.
- 10.2. Томонлар форс-мажор вазиятлар бошланиши ҳақида бир-бирларини хабардор қилиш шарт. Агар бир Томон 30 (ўттиз) календар кун мобайнида бундай ҳолатларнинг юзага келиши ҳақида бошқа Томонни ўз вақтида хабардор қилмаса, у ҳолда ўша Томон фавқулодда ҳолатнинг оқибатида кўрсатилган ҳолатларга мувофиқ қилиш ҳуқуқини йўқотади. Ушбу фавқулодда ҳолат юзага келган мамлакатнинг ваколатли органи томонидан берилган бундай ҳолатлар мажбуриятларнинг давомийлиги ҳақида етарли далил бўлади.
- 10.3. Фавқулодда вазиятлар юзага келган пайдан бошлаб ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай фавқулодда вазиятларнинг амал қилиш муддати мобайнида орқага сурилади.
- 10.4. Агар вазиятлар бир йилдан ортиқ вақт давом этадиган бўлса, Томонлар ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва бошқа Томонга етказилган зарарни камайтириш бўйича қилган бўлган чораларни қўллаб, жарималар ва (ёки) пеняларни тўламасдан ушбу Шартномага давом эттиришдан воз кечишга ҳақли.
- 10.5. Томонлар фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш учун ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишлари керак.

11-модда.

Низоларни ҳал қилиш

11.1. Томонлар ўртасидаги ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ барча келишмовчиликлар ва низолар қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ кўриб чиқилади (*ушбу Шартномадан чиқадиган низоларни ҳал қилиш тартиби ва кўриб чиқиш жойи Шартнома Томонларининг келишмовчилиги билан белгиланади*).

11.2. Томонлар ўзаро музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ юзага келадиган келишмовчиликлар ва низоларни ҳал қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширадилар.

11.3. Келишмовчиликлар ва низолар Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонга ҳар қандай келишмовчилик ва/ёки низолар ҳақида хабар берган санадан бошлаб Томонлар тарафидан мобайнида музокаралар ва маслаҳатлашув йўли билан ҳал этилмаса, ушбу Шартнома тугагунга қадар ёки ундан кейин келиб чиқадиган бундай даъволар, келишмовчиликлар ва низолар (шу жумладан, арбитраж суди томонидан кўриб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай низо), Тошкент халқаро арбитраж марказининг (ТИАС) Арбитраж Регламентига мувофиқ ҳал қилинишига Томонлар ўз розиликларини билдирадилар (*ёки Шартнома Томонларининг келишувига кўра ушбу Шартномадан келиб чиқадиган тегишли суд ёки Арбитраж Регламентига кўра низоларни кўриб чиқишнинг бошқа тартиби*).

11.4. Ҳар бир Томон арбитраж тўғрисидаги илтимосга мувофиқ ва арбитраж тўғрисидаги илтимосга жавобан биттадан арбитр тайинлайди. Агар Томон арбитрни тайинламаса, у тайинлашни ТИАС амалга оширади. Шу тарзда тайинланган икки арбитр Арбитраж суди таркибининг раиси бўлган учинчи арбитрни тайинлайди. Агар иккинчи арбитр тайинлашдан кейин ўттиз (30) календар кун мобайнида иккита арбитр бундай тайинлашни ўтказса, у учинчи арбитр ТИАС томонидан тайинланади (*ёки Шартнома Томонларининг келишувига кўра Шартномадан келиб чиқадиган низоларни тегишли суд ёки Арбитражнинг Регламентига кўриб чиқиш бошқа тартибида*).

11.5. Арбитраж судининг таркиби низо ёки арбитраж муҳокамасига нисбатан барча ҳуқуқий далилий ва юрисдикция масалаларини (шу жумладан, низо арбитраж судида кўриб чиқиладиган масалаларни) ва арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ барча протсессуал масалаларни ҳал қилиши мумкин. Арбитраж судининг таркиби умумий ҳуқуқ ва адолат (шу жумладан, таъминловчи чоралар) бўйича суд ҳимоясини таъминлаши, харажатларни (шу жумладан, юридик харажатлар ва арбитраж харажатларини) ва фоизларни қоплаш учун қарор чиқариши мумкин.

11.6. Арбитраж суди таркиби жойлашган манзил Тошкент шаҳри ва арбитражнинг расмий тили инглиз тили ҳисобланади (*ёки Шартнома Томонларининг ўзаро келишувига кўра ушбу Шартномадан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишнинг бошқа тегишли жойи ва тартиби*).

11.7. Арбитраж муҳокамаси ва ундан бевосита ёки билвосита келиб чиқадиган барча масалалар Томонлар тарафидан қаттиқ махфийлик режимида сақланади, махфий ахборотни ошқорлаш қўлланиладиган қонунчилик бўйича талаб қилиниши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

11.8. Арбитраж суди таркибининг қарори якуний ва томонлар бажариши шарт ҳисобланади. Тегишли юрисдикцияга эга бўлган ҳар қандай суд томонидан мажбурий тарзда ижрога қаратилиши мумкин.

12-модда.

Қўшимча шартлар

12.1. Бир Томондан бошқа Томонга берилган ахборотнинг махфийлик шартлари ҳар қандай Томоннинг ёзма талабига биноан белгиланиши мумкин. Махфий деб топилган ҳар қандай ахборот ошкор қилинмаслиги лозим.

12.2. Махфийлик шартлари қуйидаги ҳолатлар учун қўлланилмайди:
ушбу Шартномани амалга ошириш мақсадида ушбу Шартнома ва унинг шартлари тўғрисида ахборотни давлат органларига тақдим этишда;
бундай ахборот амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикаси органлари ёки бошқа ваколатли органлари томонидан қонуний даъво тақдим этилганда;
тушган сўров ҳажмида ошкор этилиши керак бўлганида.

12.3. Ушбу шартнома доирасида барча билдиришномалар Томонларга қуйидаги манзилга ёзма равишда юборилиши керак:

Ҳукумат:

_____.

Инвестор:

_____.

12.4. Почта реквизитлари ўзгарганда Томонлар бир-бирларини дарҳол хабардор қилиши керак. Эски манзиллар ва ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилган хатти-ҳаракатлар, уларнинг ўзгариши ҳақида хабарнома олинмагунча қабул қилинган ҳисобланади.

12.5. Ушбу Шартнома шартлари ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши ва ҳуқуқий ворислар ва бенефитсиарлар ва Томонлар тарафидан тайинланган шахслар, шу жумладан, жамоат органларининг келажакдаги барча кўринишлари ёки шакллари учун мажбурий бўлиши керак. Бундан ташқари, ушбу Шартнома бўйича Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари корпоратсияларнинг бирлашуви, консолидатсия, қўшиб юбориш ёки Инвестор бошқаруви бошқача эгаллик қилиш ёки ўзгартириш орқали бузилмаслиги керак.

12.6. Томонлар бошқа Томоннинг ёзма розилигисиз бошқа шахсларга даъво қилиш ёки мажбуриятларни бериш ҳуқуқини бера олмайди.

12.7. Ушбу Шартнома (ва унга илова) _____ саҳифада рус тилида (ва инглиз тилида), тўртинчи (ҳар бир тилда) тузилган, бир хил қонуний кучга эга, бири Инвестор учун, учтаси эса Ҳукумат учун.

12.8. Инглиз ва рус тилларидаги матнлар ўртасида келишмовчилик юзага келганида, инглиз тилидаги матн устунликка эга. Ушбу Шартномага илова ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

13-модда.

Томонларнинг реквизитлари ва имзолари

“Ҳукумат”

“Инвестор”

Ўзбекистон Республикаси
Инвеститсиялар ва ташқи

Лавозими

савдо вазирлиги

Имзо

Ф.И.О.

Жойлашиши: _____,

Жойлашиши: _____,

Банк реквизитлари:

Банк реквизитлари:

Изоҳ: Ушбу Шартномада томонларнинг ўзаро келишувига кўра бошқа нормалар, ҳуқуқ ва қоидалар кўрсатилиши мумкин”.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2020-й., 09/20/264/0530-сон)